



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2022 yil « 21 » январь

№ ПФ–55

2022–2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, фармацевтика тармоғига илғор илмий-техника ютуқлари ва инновацияларни жорий этиш орқали тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини **3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш** мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган, маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган:

2022–2026 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш бўйича прогноз параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2022–2024 йилларда фармацевтика соҳасида ҳудудларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 2-иловага мувофиқ;

2022–2026 йилларда фармацевтика соҳасида лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 4-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Комиссия (С. Умурзаков):

2022 йил 31 январга қадар мазкур Фармонга 2-иловада назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш устидан ойлик мониторинг ўрнатиш ва уларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш чораларини белгиласин;

бир ой муддатда мазкур Фармонга 3-иловада назарда тутилган истиқболли лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш манбаларини аниқлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда уларни амалга оширишни ташкил қилиш бўйича аниқ чоралар ва масъулларни белгиласин;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа ташаббускорлари, шунингдек, манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

лойиҳаларни амалга ошириш ҳолатини мунтазам равишда таҳлил қилиб, мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўрсин ва натижалари юзасидан **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президентига лойиҳалар ва ҳудудлар кесимида ахборот киритиб борсин.

Комиссияга жаҳон бозорининг конъюнктураси ва ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Фармонга 2–3-иловаларда келтирилган **инвестиция лойиҳалар рўйхатини мунтазам равишда янги лойиҳалари ҳисобига тўлдириб бориш**, зарур ҳолларда, уларга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

фармацевтика соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини шахсан назоратга олсин;

ҳар ойда лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда ҳар бир лойиҳа амалга оширилишини муҳокама қилиб, уларни белгиланган муддатда ишга туширишда амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриб борсин.

3. 2022 йил 1 апрелдан фармацевтика маҳсулотлари харидларига ажратилиши режалаштирилган Давлат бюджети маблағлари миқдори доирасида маҳаллийлаштириладиган фармацевтика маҳсулотларини **уч йил муддатга шартнома тузиш орқали кафолатли харид қилиш механизми** жорий этилсин. Бунда:

кафолатли харид қилиш шартномаларини тузиш бўйича танловлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан биргаликда шакллантирилган **аввал республика ҳудудида ишлаб чиқарилмаган, истиқболда маҳаллийлаштириладиган субстанциялар, дори воситаларининг халқаро патентланмаган номлари** (бундай ном бўлмаган тақдирда, мансуб дори воситалари гуруҳ номлари), **тиббий буюмлар ва тиббий техникалар рўйхати** (кейинги ўринларда – фармацевтика маҳсулотлари рўйхати) доирасида амалга оширилади;

фармацевтика маҳсулотлари рўйхати Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг **интернет сайтларида жойлаштирилади** ҳамда ҳар йили янгиланиб борилади;

кафолатли харид қилиш шартномаларини имзолаш учун **ғолиблар очиқ танловлар орқали аниқланади** ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу танловларда **давлат буюртмачиси** ва **бенефициар мулкдори** ҳисобланади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларга тузилаётган кафолатли харид қилиш шартномалар доирасида **олдиндан бўнак тўловларини ўтказишга рухсат берилади.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев) Молия вазирлиги (Рахимова), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров) билан биргаликда **уч ой муддатда** Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмасига асосан шаффоф танлов асосида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан уч йил муддатга шартномалар тузиш орқали маҳсулотларни кафолатли харид қилиш механизми ва аниқ шартларини белгилаган ҳолда **давлат харидлари тизимини жорий қилиш бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

4. Белгилансинки:

а) фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш йўналишида:

2022 йил 1 апрелдан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган янги фармацевтика маҳсулотларини **давлат рўйхатидан ўтказиш чекланмаган муддатга амалга оширилади**, аввал берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалар, уларнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмасдан 15 кун муддатда амал қилиши **муддатсиз бўлган гувоҳномаларга алмаштириб берилади;**

2022 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатли ташкилот томонидан расмийлаштирилган “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)”га эга маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган **дори воситаларини** ва “ISO:13485” сертификатига эга ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб

чиқарилган тиббий буюм ва тиббий техникани мажбурий сертификатлаштириш тартиби бекор қилинади. Бунда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг талабларга мувофиқлиги **постмаркетинг назорати** ва **ихтиёрий сертификатлаштириш** орқали амалга оширилади;

“Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУКга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш учун қабул қилинган буюртмаларга кўра намуналар танлашни ҳудудлардаги сертификатлаштириш органлари экспертлари орқали амалга оширишга рухсат берилади;

б) фармацевтика соҳасидаги чекловларни камайтириш йўналишида:

донор қонини тўплаш ва унинг асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни хусусий тартибда амалга оширишга тақиқ;

дори воситаларининг **клиник тадқиқотларини соғлом кўнгиллиларда ўтказишга чеклов;**

халқаро брендлар асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида **таркиби бир хил бўлган дори воситаларини бир ишлаб чиқарувчи томонидан турли савдо номлари остида ишлаб чиқаришга чекловлар бекор қилинади;**

в) зарур амалиётлар (GxP) талабларини тизимли жорий этиш йўналишида:

2022 йил 1 апрелдан фармацевтика соҳасида янги ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари мос равишда “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)”, “Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)” ва “Зарур фармацевтика (дорихона) амалиёти (GPP)” талабларига мувофиқ равишда ташкил этилади;

фармацевтика тармоғи ва республика соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотларни **зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаш муддатлари 2024 йил 1 январгача узайтирилади;**

2022 йил 1 февралдан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг фармацевтика маҳсулотларини **хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш харажатларининг 75 фоизи** улар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасидан қоплаб берилади;

2023 йил 1 январдан фармацевтика маҳсулотлари бўйича **давлат харид танловларида фақатгина “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)”** стандартлари асосида дори воситаларини, **“ISO:13485”** стандартлари асосида тиббий буюмлар ва тиббий техникани ишлаб чиқаришни ташкил этган ташкилотлар ва **“Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)”** стандартларини **жорий этган улгуржи савдо ташкилотлари қатнашишига рухсат берилади.**

5. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар, ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ҳамда фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан дорихона ичида дори тайёрлаш мақсадида олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган **технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, фармацевтика ишлаб чиқариш бинолари учун “тоза хоналар”, сэндвич-панеллар ва вентиляция тизимлари, шунингдек, лаборатория ҳайвонларини боқиш, клиник-олди тадқиқотлар ва дори воситалари ишлаб чиқариш (шу жумладан дорихона ичида тайёрлаш) учун ишлатиладиган хомашё ва материаллар, тиббиёт буюмлари ва қадоқлаш материаллари** Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича **2025 йил 1 январга қадар божхона божларидан озод қилинсин.**

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг:

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги **“Tashkent Pharma Park”** инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерига (кейинги ўринларда – Кластер) туташ ҳудуддан **қўшимча 80 гектар ер майдонини ажратиш ҳисобига Кластер ҳудудини кенгайтириш;**

Кластер ҳудудини кенгайтириш учун ажратиладиган **80 гектар** қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ер участкаларини саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 80 гектар ер майдонининг ер фонди тоифасини ўзгартиришда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги компенсация тўловларини, истисно тариқасида ундирмаслик тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги (Мирзаев) икки ой муддатда:

мазкур бандда кўрсатилган ер участкаларини контурларини белгилаган ҳолда амалдаги фойдаланувчилардан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда олиб қўйиш ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев), Кадастр агентлиги (Умаров) билан биргаликда ер участкасининг “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси давлат муассасасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш;

Қурилиш вазирлиги (Закиров), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев), “Ҳудудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) билан биргаликда янги ажратилган ҳудудларнинг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси ва Кластер учун қўшимча ажратилган ер майдонида ўрнатилган тартибда ташкил этиладиган ишлаб чиқарувчи ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ““Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4574-сон қарори 7-бандининг “в” кичик банди ва 11-банди татбиқ этилсин.

8. Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков, Молия вазирлиги (Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев) ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқулов) икки ой муддатда маҳаллий фармацевтика ташкилотларининг республика ҳудудида биофармацевтика йўналишидаги дори воситаларини тўлиқ цикл асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, субстанциялар ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш ва халқаро стандартлар жорий қилинишини жадаллаштириш доирасидаги лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш бўйича “Йўл харита”сини ишлаб чиқиб, амалга оширсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев) Экспортни рағбатлантириш агентлиги орқали дори воситаларини “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)” талаблари асосида ишлаб чиқарувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги чораларини жорий этсин:

2025 йил 1 январга қадар фармацевтика маҳсулотларини барча мамлакатларга, шу жумладан, чегарадош қўшни давлатларга экспорт қилишда автомобиль ва темир йўл транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ маҳсулотлар экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) 5 фоизидан (автомобиль транспортида ташиш ҳолатида) ва 7 фоизидан (темир йўл транспортида ташиш ҳолатида) кўп бўлмаган миқдорда қоплашга субсидиялар тақдим этиш;

экспорт қилувчи фармацевтика ташкилотлари томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шarti билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун **револьвер кредитларни молиялаштиришга тижорат банкларига фоизсиз молиявий ресурслар тақдим этиш.** Бунда, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдорида, бироқ **3 миллион АҚШ доллари** эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда бир йилгача муддатда йиллик 4 фоизли ставка (банк маржаси) билан ажратилади.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С. Умурзаков) бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргалиқда бир ой муддатда ҳар бир инвестиция лойиҳасини муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши чораларини кўрсин.

11. 2022–2026 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

рецептсиз фармацевтика маҳсулотлари савдосини эркинлаштириш бўйича;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков ва соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 21 январдаги ПФ–55-сон Фармониغا
1-илова

**2022–2026 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш
бўйича прогноз параметрлари**

Мақсадли параметрлар	Амалдаги ҳолат	Кутилаётган кўрсаткичлар				
		2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил
Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (млрд.сўм)*	3,2	3,6	3,9	4,2	5,9	8,2
Ўзлаштирилган маҳсулотлар сони (дона)	3350	3450	3800	4150	4800	5100
Дори воситаларига бўлган йиллик талабни қоплаш даражаси (маҳсулот кўринишида)	45%	55%	59%	63%	78%	80%
Фармацевтика маҳсулотлари экспорти (млн.доллар)*	60	90	100	110	122	130

* 2021 йил нархларида кўрсатилган

**2022–2024 йилларда фармацевтика соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг
МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ**

Т/р	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Туман ва шаҳарлар номи	Лойиҳа қуввати	Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. долл.)	шундан, молиялаштириш манбалари бўйича						Ишга тушиш муддати	Яратиладиган иш ўринлари сони
					ўз маблағ- лари	тижорат банк кредит- лари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар	кафолат- ланмаган хорижий кредитлар	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар		
72	Жами			370,95	74,23	31,61	32,0	83,7	40,63	108,78		3905
6	Андижон вилояти			59,89	4,75				4,80	50,34		650
1	"Cadila Pharmaceuticals Uzbekistan" LTD томонидан инъекцион шаклдаги дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш (3-босқич)	Андижон вилояти, Андижон тумани	250 млн. қадоқ	19,50						19,50	2024 йил ноябрь	250
2	"Cadila Pharmaceuticals Uzbekistan" LTD томонидан Субстанциялар ва дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш (2-босқич)	Андижон вилояти, Андижон тумани	90 млн. қадоқ	15,90						15,90	2024 йил октябрь	150
3	"Cadila Pharmaceuticals Uzbekistan" LTD томонидан Таблетка ва капсула шаклидаги дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш (1-босқич)	Андижон вилояти, Андижон тумани	60 млн. қадоқ	14,60						14,60	2023 йил ноябрь	100
4	"Аксон Laboratories" МЧЖ томонидан Инъекция ва инфузия шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Андижон вилояти, Андижон тумани	20 млн. қадоқ	8,30	3,50				4,80		2023 йил ноябрь	70
5	"Makon Mirzo" МЧЖ томонидан Бандаж ва карсет шаклидаги тиббий буюмларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	Андижон вилояти, Андижон тумани	2,3 млн. дона	1,00	1,00						2023 йил ноябрь	30
6	"Zamin Med Tech" МЧЖ томонидан Тиббиёт ўсқуналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Андижон вилояти, Андижон тумани	200 минг дона	0,59	0,25					0,34	2023 йил октябрь	50

Т/р	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Туман ва шаҳарлар номи	Лойиҳа қуввати	Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. долл.)	шундан, молиялаштириш манбалари бўйича						Ишга тушиш мuddати	Яратиладиган иш ўринлари сони
					ўз маблағлари	тижорат банк кредитлари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар	кафолатланмаган хорижий кредитлар	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар		
7	Бухоро вилояти			50,24	4,95	2,72			12,88		266	
7	"Тибтехника" МЧЖ томонидан Тиббиёт буюмлари (коронар стент, проводниклар интродьюсерлар) ишлаб чиқаришни кенгайтириш	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри	20 млн. қадоқ	7,20	0,20				7,00		2023 йил ноябрь	66
8	"Le Uat De Bukhara" МЧЖ томонидан Тиббий дока ҳамда тиббиёт пахтаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри	3000 п.м	4,86	2,14	2,72					2022 йил декабрь	40
9	"Шохмирзо" ХК томонидан таблетка ва капсула шаклдаги дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	Бухоро вилояти, Вобкент тумани	1000 млн дона	3,45	0,55				2,90		2022 йил декабрь	30
10	"Бахш Савдо Бизнес" МЧЖ томонидан нитрил қўлқоплар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Бухоро вилояти, Ёиждувон тумани	12 млн дона	2,24	1,32				0,92		2023 йил октябрь	25
11	"Мирзамедсавдо" МЧЖ томонидан Таблетка ва капсула шаклдаги дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри	5 млн дона	1,46	0,46				1,00		2023 йил октябрь	80
12	"Маритекс Бухара" қўшма корхонаси томонидан тиббиёт бинтларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Бухоро вилояти, Жондор тумани	12,5 млн. дона	1,18	0,18				1,00		2024 йил октябрь	10
13	"Махмуд мах медикал" МЧЖ томонидан Тиббий бинт ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Бухоро вилояти, Пешку тумани	47 тонна	0,15	0,10				0,06		2022 йил декабрь	15
2	Жиззах вилояти			3,86	1,48	1,38						45
14	"Highland Pharm" МЧЖ томонидан Бир маротаба ишлатиладиган тиббиёт ва косметологик қўлқоплар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Жиззах вилояти, Зомин тумани	19,2 минг дона	2,86	1,48	1,38					2023 йил октябрь	30
15	"Ukor Zomin" УК томонидан Тиббий ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Жиззах вилояти, Зомин тумани	100 дона	1,00						1,00	2023 йил ноябрь	15
4	Қашқадарё вилояти			5,00	1,25	3,13				0,62		132
16	"Gold Biomed" МЧЖ томонидан инъекцион ва инфузион эритмалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани	7 млн. дона	3,89	0,97	2,92					2023 йил ноябрь	100

Т/р	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Туман ва шаҳарлар номи	Лойиҳа қуввати	Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. долл.)	шундан, молиялаштириш манбалари бўйича						Ишга тушиш мuddати	Яратиладиган иш ўринлари сони
					ўз маблағлари	тижорат банк кредитлари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	давлат каfolати остидаги хорижий кредитлар	каfolатланмаган хорижий кредитлар	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар		
17	"Modern Galen Farm" МЧЖ томонидан Galen препаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани	20 тонна	0,76	0,14				0,62		2022 йил ноябрь	20
18	"Хушвақт Шохимардон қизи" ишлаб чиқариш корхонаси томонидан Тиббий буюм ва нам салфеткалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Қашқадарё вилояти, Қарши тумани	1 млн. дона	0,31	0,13	0,18					2022 йил октябрь	6
19	"Меда Дента мед" х/к томонидан тиббиёт ватаси ишлаб чиқариш ва шифобахш исирикни қадоқлашни ташкил этиш	Қашқадарё вилояти, Касби тумани	64 тонна	0,04	0,01	0,03					2022 йил декабрь	6
2	Навоий вилояти			1,28	0,91	0,37						30
20	"Standart Diagnostika Ray" МЧЖ томонидан Тиббий буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Навоий вилояти, Қизилтепа тумани	3 млн. дона	1,00	0,81	0,19					2023 йил декабрь	20
21	"Avisenna" МЧЖ томонидан Galen дори воситалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	684.5 тонна	0,28	0,10	0,18					2023 йил декабрь	10
7	Наманган вилояти			10,94	5,62	2,62			0,90	1,80		282
22	"AX Medical Farm" МЧЖ томонидан Тиббиёт системаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Наманган вилояти, Уйчи тумани	30 млн. дона	3,64	0,64	1,20				1,80	2023 йил сентябрь	30
23	"Synergy" МЧЖ томонидан Тиббий ускуналар, тиббий воситалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Наманган вилояти, Косонсой тумани	3 млн. дона	1,75	1,75						2022 йил декабрь	50
24	"Ахсикент соф саноат" МЧЖ томонидан Тиббиёт қўлқоплари ва тиббиёт воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Наманган вилояти, Косонсой тумани	15 млн дона	1,45	0,55				0,90		2023 йил июнь	60
25	"Техно фарм" МЧЖ томонидан Таблетка, ампула ва капсула шаклидаги тайёр дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Наманган вилояти, Косонсой тумани	3,5 млн дона	1,39	1,39						2023 йил октябрь	60
26	"Namangan Pharm Plant" МЧЖ томонидан Таблетка, капсула ва ампула шаклидаги тайёр дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Наманган вилояти, Наманган шаҳар	80 млн. дона	1,00	0,50	0,50					2022 йил июнь	22

Т/р	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Туман ва шаҳарлар номи	Лойиҳа қуввати	Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. долл.)	шундан, молиялаштириш манбалари бўйича						Ишга тушиш мuddати	Яратиладиган иш ўринлари сони
					ўз маблағлари	тижорат банк кредитлари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар	кафолатланмаган хорижий кредитлар	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар		
27	"Kamol Med Farm" МЧЖ томонидан мазъ ва суппозитория, сироп шаклидаги тайёр дори воситаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Наманган вилояти, Косонсой тумани	20 млн. дона	1,11	0,19	0,92					2023 йил декабрь	20
28	"Spring Pharmaceutical" МЧЖ томонидан 30 турдаги таблетка ва капсула шаклдаги дори воситаларини дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш (2-босқич)	Наманган вилояти, Косонсой тумани	15 млн. дона	0,60	0,60						2023 йил июнь	40
3	Самарқанд вилояти			29,28	1,78	7,49				20,00		195
29	"Multi Fruite Korea" МЧЖ ХК томонидан қандли диабет касаллигига қарши дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани	275 тн	20,00						20,00	2024 йил ноябрь	150
30	"Samarkand England Eco-Medical" МЧЖ ҚК томонидан инфузион эритмаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	20 млн дона	9,00	1,60	7,40					2022 йил декабрь	30
31	"Сифат элегант сервис" МЧЖ томонидан тиббий қўлқоплар, болалар тагликлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани	1,2 млн дона	0,28	0,18	0,09					2022 йил декабрь	15
2	Сирдарё вилояти			6,62	0,92					5,70		110
32	"Омонмедфарм" МЧЖ томонидан инъекцион ва инфузион эритмалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш (2-босқич)	Сирдарё тумани, Гулистон шаҳар	15 млн дона	5,23	0,83					4,40	2022 йил декабрь	60
33	"River Med Farm" томонидан инфузион эритмали дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш (2-босқич)	Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани	20 млн дона	1,39	0,09					1,30	2024 йил ноябрь	50
5	Сурхондарё вилояти			8,05	4,36	0,11				2,00	1,58	193
34	"Осиё Дори" МЧЖ томонидан инфузион системалар, инфузион эритмалар ва тиббиётда қўлланиладиган суюқликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Сурхондарё вилояти, Музрабод тумани	60 млн дона	3,61	2,61					1,00	2022 йил декабрь	50
35	"Осиё Дармон Сервис" МЧЖ томонидан Тиббиёт қўлқоплари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Сурхондарё вилояти, Музрабод тумани	40 млн дона	2,71	1,71					1,00	2023 йил ноябрь	100

Т/р	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Туман ва шаҳарлар номи	Лойиҳа қуввати	Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. долл.)	шундан, молиялаштириш манбалари бўйича						Ишга тушиш мuddати	Яратиладиган иш ўринлари сони
					ўз маблағлари	тижорат банк кредитлари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар	кафолатланмаган хорижий кредитлар	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар		
36	"Baysun White Road" МЧЖ томонидан Бир марталик тиббиёт шприцлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани	35 минг дона	1,58						1,58	2023 йил ноябрь	25
37	"Ҳаётбек Бойсун" МЧЖ томонидан Гален препаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш (йод, бриллиант кўки, меновазин)	Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани	10 тонна	0,08	0,02	0,06					2023 йил ноябрь	10
38	"Зайнаб Гиёҳ" КТХФ томонидан Тиббиёт бинти ва тиббиёт ниқоблари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Сурхондарё вилояти, Денов тумани	15000 дона	0,07	0,02	0,05					2023 йил ноябрь	8
12	Тошкент вилояти			179,68	29,47	9,95	32,00	83,70	4,00	20,56		1394
39	"Zuma Pharma" МЧЖ томонидан Лиофил ва ишлатишга тайёр шприц-ручка шаклидаги дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент вилояти, Паркент тумани	20 млн. қадоқ	8,50	2,00	5,80				0,70	2022 йил декабрь	150
40	"Radiks" МЧЖ томонидан Тиббий буюмлар (тиббиёт докиси ва бинт) ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	25 млн. ш.б.	7,70	3,85					3,85	2023 йил ноябрь	30
41	"Lekhim Astarta" МЧЖ ҚК томонидан инъекция шаклидаги дори воситаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	25 млн. ш.б.	7,70	3,85					3,85	2023 йил ноябрь	30
42	"Deutsche Servis" МЧЖ томонидан Стафилококк касаллигига қарши корпускуляр вакцинаси ҳамда бир марталик медицина шприци маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	200 млн. дона	6,32	1,58	3,74			1,00		2023 йил ноябрь	74
43	"Solyphar Laboratories" МЧЖ ХК томонидан Таблетка ва капсула шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	100 млн дона	5,00						5,00	2023 йил ноябрь	100
44	"Magnit Grand Farm" МЧЖ томонидан тайёр дори воситалари (гемцитабин, биспропол, цефтраксон) ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент вилояти, Паркент тумани	16,17 млн. дона	4,20	1,20				3,00		2022 йил декабрь	50
45	"Binovatic Agro" МЧЖ томонидан Биологик ва микробиологик ҳимояни ташкил қилиш воситаларини тайёрлаш илмий ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш	Тошкент вилояти, Пискент тумани	объект	4,00						4,00	2022 йил декабрь	45
46	"Beta Ubk International Private Limited" МЧЖ томонидан онкологик дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар	72 млн. дона	2,20						2,20	2023 йил ноябрь	50
47	"Ultra Health Care" МЧЖ ҚК томонидан Дори воситалари инъекцион воситалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар	30 млн. дона	2,18	2,18						2022 йил декабрь	25

Т/р	Лойиҳа ташаббуркорлари ва лойиҳа номи	Туман ва шаҳарлар номи	Лойиҳа қуввати	Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. долл.)	шундан, молиялаштириш манбалари бўйича						Ишга тушиш муддати	Яратиладиган иш ўринлари сони
					ўз маблағ- лари	тижорат банк кредит- лари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар	кафолат- ланмаган хорижий кредитлар	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар		
48	"Angren Medic Medical Equipment" МЧЖ томонидан Тиббиёт маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар	100 минг дона	1,04	0,08					0,96	2022 йил декабрь	20
49	"MAX and TOP" МЧЖ томонидан Таблетка ва капсула шаклдаги дори воситаларини ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш	Тошкент вилояти, Тошкент тумани	28,8 млн.дона	0,64	0,23	0,41					2022 йил декабрь	20
50	"Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш (I босқич), шу жумладан: - Фармацевтика университети; - фармакопоя маркази; - илмий тадқиқот маркази; - экспертиза маркази; - BSL-3 лабораторияси; - виварий; - тажриба ишлаб чиқариш линиялари.	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	7 та объект	130,20	14,50		32,00	83,70			2024 йил ноябрь	800
6	Фарғона вилояти			15,18	6,41	2,81				4,46	1,50	187
51	"Afrosiyob shifo" МЧЖ томонидан натрий хлор ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри	15 млн. дона	7,12	3,12					4,00	2022 йил декабрь	30
52	"Zamin Aziya Farm" МЧЖ томонидан Инфузион дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани	20 млн. дона	3,50	1,10	2,40					2022 йил декабрь	60
53	"GNT Care" МЧЖ ҚҚ томонидан Тиббий ҳимоя воситалар ва жиҳозлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Фарғона вилояти, Бағдод тумани	2 минг дона	2,50	1,00					1,50	2022 йил декабрь	20
54	"Ferghana Invicta Pharm" МЧЖ томонидан Тиббий буюмлар ва дори восита-ларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар	10 млн. дона	1,09	0,80	0,29					2024 йил ноябрь	30
55	"Vita Nova Diagnostic" МЧЖ томонидан Қандли диабет касаллиги босимини ўлчаш технологик тестларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар	1 млн дона	0,71	0,24					0,46	2022 йил октябрь	35
56	"Zunnur service farm" МЧЖ томонидан Доридармон (Свеча маз) ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Фарғона вилояти, Учкўприк тумани	700 минг дона	0,26	0,15	0,12					2022 йил декабрь	12
5	Хоразм вилояти			5,07	2,80					2,27		79
57	"Perfect Platinum" томонидан тиббий қўлқоплар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хоразм вилояти, Гурлан тумани	2,5 млн жуфт	2,00	0,40					1,60	2023 йил ноябрь	20

Т/р	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Туман ва шаҳарлар номи	Лойиҳа қуввати	Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. долл.)	шундан, молиялаштириш манбалари бўйича						Ишга тушиш муддати	Яратиладиган иш ўринлари сони
					ўз маблағ- лари	тижорат банк кредит- лари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар	кафолат- ланмаган хорижий кредитлар	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар		
58	"Urganch DVTBTESDM" шўъба корхонаси томонидан лаборатория биносини қуриш ва модернизация қилиш	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри	6 минг шартли бирлик	1,87	1,87						2022 йил декабрь	30
59	"Xiva Kryptex" ХК томонидан Тиббиёт дока (бинт) ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хоразм вилояти, Хива тумани	500 минг шартли бирлик	1,01	0,41				0,60		2022 йил декабрь	15
60	"Gulshan Gulibonu" ХК томонидан Тиббий буюмларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	Хоразм вилояти, Хонқа тумани	3,6 млн дона	0,10	0,03				0,07		2022 йил декабрь	6
61	"Yolmon Teks Farm" ХК томонидан Боғлов воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хоразм вилояти, Хива шаҳри	3600 минг дона	0,09	0,09						2022 йил декабрь	8
11	Тошкент шаҳри			25,56	9,53	1,03			3,00	12,00		342
62	"Belpharm" МЧЖ ХК томонидан Қаттиқ турдаги дори воситалари ва карбопенемлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	570 млн.дона	10,00						10,00	2024 йил ноябрь	120
63	"Progressmed" МЧЖ томонидан Тиббиёт буюмлари, гален препаратлари, пробиотиклар ва дори воситаларини ишлаб чиқариш	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани	50000 Дона	5,86	2,86				3,00		2022 йил декабрь	50
64	"Radiks" МЧЖ томонидан дори воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	7,5 минг дона	2,29	2,29						2022 йил декабрь	50
65	"Nobel Farmsanoat" МЧЖ ХК томонидан Тиббиёт маҳсулотлари ва буюмларини сақлаш базасини ташкил этиш	Тошкент шаҳри, Мирзо- Улугбек тумани	300 минг комплект	2,00						2,00	2023 йил ноябрь	10
66	"Dent Med technology" томонидан тиббиёт ўскуналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	1000 дона	1,24	0,92	0,32					2022 йил октябрь	10
67	"Astess Atramatik Steril Jarrohlik Iplari" МЧЖ томонидан жарроҳлик учун тиббий иплар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани	50000 дона	1,11	0,83	0,28					2022 йил декабрь	15
68	"Avikon Tex" масъулияти чекланган жамияти томонидан Микробиологик диагностик воситаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	100 тонна	1,01	1,01						2022 йил июнь	15

Т/р	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Туман ва шаҳарлар номи	Лойиҳа қуввати	Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. долл.)	шундан, молиялаштириш манбалари бўйича						Ишга тушиш муддати	Яратиладиган иш ўринлари сони
					ўз маблағ- лари	тижорат банк кредит- лари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар	кафолат- ланмаган хорижий кредитлар	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар		
69	"Laxisam Pharmaceuticals" МЧЖ томонидан Таблетка ва капсула шаклдаги дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	20 минг дона	0,88	0,88						2024 йил октябрь	30
70	"Active Asia Gold" МЧЖ томонидан Таблетка ва капсула шаклдаги дори воситаларини ишлаб чиқариш	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	330 минг дона	0,51	0,51						2022 йил декабрь	35
71	"Donnur Farm" МЧЖ томонидан Таблетка ва капсула шаклдаги дори воситаларини ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш	Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани	324 минг дона	0,38	0,05	0,34					2022 йил октябрь	3
72	"Parnas Pharm Group" МЧЖ томонидан Дори воситалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	10800 минг дона	0,28	0,18	0,09					2022 йил октябрь	4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 21 январдаги ПФ–55-сон Фармониغا
3-илова

**2022–2026 йилларда фармацевтика соҳасида лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини
ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳаларининг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Хорижий ҳамкор/ кредитор	Лойиҳанинг прогноз қиймати (млн.долл.)*	Техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш муддати	Амалга ошириш муддати
Жами: (18 та лойиҳа)			804,8		
Тошкент вилояти (9 та лойиҳа)			294,8		
1	Коронавирус инфекциясига (COVID-19) ва бошқа касалликларга қарши вакцина ишлаб чиқаришни ташкил этиш	“V-Gen Biopharma” МЧЖ (Ўзбекистон)	20,0	2022 йил I чорак	2023 йил
2	Юқори технологияли биофармацевтика мажмуаси негизда генетик-муҳандислик препаратларни ишлаб чиқариш	GOR Investment (Буюк Британия)	120,0	2023 йил II чорак	2024 йил
3	Юрак касалликларига қарши фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш (“Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ)	RG General Trading Fze (БАА)	12,0	2022 йил IV чорак	2024 йил

T/p	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Хорижий ҳамкор/ кредитор	Лойиҳанинг прогноз қиймати (млн.долл.)*	Техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш муддати	Амалга ошириш муддати
4	“Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерида (6 та лойиҳа)		154,8		
4.1	“Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерида клиник синовлар ўтказиш марказини ташкил этиш	EDCF Жамғармаси (Жанубий Корея)	52,3	2022 йил III чорак	2024 йил
4.2	Онкологик стерил дори воситалари, иммун таначаларини ишлаб чиқариш, фракциялаш ва қон плазмасини қайта ишлаш (I босқич)	Rafarma Pharmaceuticals (АҚШ)	45,0	2023 йил I чорак	2024 йил
4.3	Антибиотиклар, ошқозон-ичак ва юрак-қон томир касалликларига қарши дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	World Medicine (Туркия)	17,0	2022 йил IV чорак	2024 йил
4.4	Травматологияда ишлатиладиган тиббий буюмлар ва ҳимоя воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Prospon (Чехия)	13,5	2022 йил IV чорак	2024 йил
4.5	Кардиологик ва эндокринологик препаратлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Фармак (Украина)	10,0	2023 йил I чорак	2024 йил
4.6	Оғриқ қолдирувчи, антибиотиклар, замбуруғга қарши ва ревматизмга қарши дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	"Kusum Healthcare" (Ҳиндистон)	5,0	2022 йил IV чорак	2024 йил
Наманган вилояти (1 та лойиҳа)			3,0		
5	Инфузион эритмалар асосида дори ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Citi Pharma (Pvt.) Ltd (Покистон)	3,0	2023 йил II чорак	2025 йил

T/p	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Хорижий ҳамкор/ кредитор	Лойиҳанинг прогноз қиймати (млн.долл.)*	Техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш муддати	Амалга ошириш муддати
Сирдарё вилояти (1 та лойиҳа)			7,0		
6	Ошқозон-ичак йўли касалликларини даволаш учун дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	NCG Engineering (Корея)	7,0	2023 йил I чорак	2024 йил
Республиканинг бошқа ҳудудларида (7 та лойиҳа)			500,0		
7	Онкологик касалликларга қарши дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	аниқланмоқда	62,0	2023 йил II чорак	2026 йил
8	Гормонал препаратлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	аниқланмоқда	48,0	2023 йил II чорак	2026 йил
9	Вакциналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	аниқланмоқда	59,0	2023 йил II чорак	2026 йил
10	Парентерал озиқлантириш учун препаратлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	аниқланмоқда	47,0	2023 йил II чорак	2026 йил
11	Қон плазмаси асосида дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	аниқланмоқда	85,0	2023 йил II чорак	2026 йил
12	Моноклониал антитаначалар асосида инновацион биовоситалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	аниқланмоқда	147,0	2023 йил II чорак	2026 йил
13	Юрак-қон томир касалликларига қарши дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	аниқланмоқда	52,0	2023 йил II чорак	2026 йил

* Лойиҳанинг якуний қиймати ва молиялаштириш манбалари тасдиқланган лойиҳа ҳужжатга асосан аниқлаштирилади.

**Фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича
КОМИССИЯ ТАРКИБИ**

1. С.У. Умурзаков – Бош вазирнинг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири, *Комиссия раҳбари*
2. Б.А. Мусаев – соғлиқни сақлаш вазири
3. С.Х. Кариев – Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори
4. И.Ю. Абдурахмонов – инновацион ривожланиш вазири
5. Ж.А. Ходжаев – қишлоқ хўжалиги вазири
6. А.Б. Воитов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари
7. Б.Қ. Абдиназаров – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари
8. А.Я. Хайдаров – молия вазири ўринбосари
9. Н.Ж. Бакиров – Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси
10. Б.Т. Норқобилов – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
11. Д.С. Касимов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил
12. Ф.К. Рўзиев – Вазирлар Маҳкамаси Котибият мудирини ўринбосари
13. Д.Н. Саттаров – Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори
14. С.С. Аннакличев – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси
15. У.С. Салихбаева – “Дори-дармон” компанияси бошқарув раиси
16. К.С. Ризаев – Тошкент фармацевтика институти ректори
17. Лавозими бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарлари
18. З.Ш. Тўхтаев – Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими, *Комиссия котиби*

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юкланган шахслар киритилади*

**2022–2026 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш бўйича
“йўл харитаси”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми		Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
1.	“Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш тизими”ни яратиш.	1. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида “Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш тизими”ни яратиш. 2. “Фармацевтика соҳасида мувофиқликни баҳолаш қоидалари”ни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2022 йил апрель	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Саттаров)
2.	“Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш тизими” экспертларининг мувофиқликни баҳоловчи тегишли органларни аккредитациядан ва техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллашдаги мунтазам иштироки амалиётини йўлга қўйиш.	1. Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштиришда иштирок этиш учун даъвогар бўлган мувофиқликни баҳолаш органларини белгиланган тартибда аккредитациядан ва техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш учун техник экспертларни танлаш. 2. Мулкчилик шаклидан қатъий назар фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштиришда иштирок этиш учун даъвогар бўлган мувофиқликни баҳолаш органларини белгиланган тартибда аккредитациядан ва техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллашда тегишли экспертларнинг мунтазам иштирокини таъминлаш.	Чора-тадбирлар	2022 йил март	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев)

3.	Ўзбекистон Республикасида дори воситаларининг постмаркетинг назоратини амалиётга жорий этиш.	“Дори воситаларининг постмаркетинг назоратини амалга ошириш қоидалари”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Идоравий ҳужжат	2022 йил март	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев)
4.	Ўзбекистон Республикасида “Фармакологик назорат” миллий электрон ахборот базасини яратиш.	1. “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК қошида ушбу корхонанинг хизмат кўрсатишдан тушган маблағлари ҳисобидан “Фармакологик назорат” миллий электрон ахборот тизимини яратиш. 2. Дори воситаларининг ноҳўя таъсирлари бўйича олинган маълумотларни мунтазам равишда “Фармакологик назорат” миллий электрон ахборот тизимига киритиш йўли билан “Фармакологик назорат” миллий электрон ахборот базасини яратиш.	Чора-тадбирлар	2022 йил апрель	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев)
5.	Ўзбекистон Республикасидаги клиник базалар фаолиятининг “Зарур клиник амалиёти (GCP)” талаблари асосида фаолият олиб боришини таъминлаш.	Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси томонидан клиник базалар фаолиятининг “Зарур клиник амалиёти (GCP)” талаблари асосида фаолият олиб борилишини мувофиқлаштириш.	Чора-тадбирлар	2022 йил февраль	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев)
6.	Клиник тадқиқот базаларни халқаро аккредитациядан ўтказилишини таъминлаш.	1. “Зарур клиника амалиёти (GCP)” талаблари босқичма-босқич жорий қилинадиган клиник тадқиқот базалари рўйхатини шакллантириш. 2. “Зарур клиника амалиёти (GCP)” талабларига жавоб берувчи клиник базаларни халқаро аккредитациядан ўтказиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Чора-тадбирлар	2022 йил март	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев)
7.	Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика маҳсулотларига бўлган талаби асосида қисқа ва узоқ муддатли прогнозларни шакллантириб бориш.	1. Аҳоли саломатлиги скрининги ва диагностика натижаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатда фармацевтика маҳсулотларига бўлган камида 5 йиллик талаб ва эҳтиёжни аниқлаш.	Чора-тадбирлар	2022 йил апрель	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев)

		<p>2. 2022–2026 йилларда фармацевтика маҳсулотлари таъминоти режасини уларнинг молиялаштириш манбалари акс эттирилган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Мазкур режани Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг интернет сайтларида жойлаштириш.</p> <p>4. Режа натижаси бўйича доимий равишда қисқа ва узоқ муддатли прогнозларни шакллантириб бориш тизимини яратиш.</p>			
8.	<p>Соғлиқни сақлаш тизимида даволаш стандартларини илм-фан ва инновация ютуқларига таянган ҳолда такомиллаштириш тизимини яратиш.</p>	<p>1. Соғлиқни сақлаш тизимида ҳар бир нозология йўналишидаги даволаш стандартларининг таҳлилини ўтказиш.</p> <p>2. Даволаш стандартларининг самарадорлигини ошириш мақсадида илм-фан ва инновация ютуқларини доимий равишда мазкур стандартларга татбиқ қилиб боришнинг самарали тизимини жорий этиш.</p>	<p>Чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил апрель</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев)</p>
9.	<p>Аутсорсинг асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни давлат рўйхатидан ўтказишни такомиллаштириш.</p>	<p>1. Аутсорсинг қилувчи ташкилотларнинг буюртмаси асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қувватларида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жорий этиш.</p> <p>2. Аутсорсинг қилувчи ташкилотларнинг буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг самарали механизминини жорий этиш.</p>	<p>Ҳукумат қарори лойиҳаси</p>	<p>2022 йил май</p>	<p>Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев)</p>

10.	<p>Ўзбекистон Республикасида донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлашни хусусий тартибда амалга оширишнинг қонуний асосларини яратиш.</p>	<p>1. Донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлашни хусусий тартибда амалга оширишга тақиқни бекор қилишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Қонун лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	Қонун лойиҳаси	2022 йил апрель	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев)
11.	<p>Ўзбекистон Республикасида таркибида турли дори моддалари бўлган дори воситаларини бир хилдаги савдо номи остида давлат рўйхатидан ўтказишга бўлган чекловни бекор қилишни ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган янги фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш чекланмаган муддатга амалга оширишнинг қонуний асосларини яратиш.</p>	<p>1. Таркибида турли дори моддалари бўлган дори воситаларини бир хилдаги савдо номи остида давлат рўйхатидан ўтказишга бўлган чекловни бекор қилишни ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган янги фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш чекланмаган муддатга амалга оширишнинг назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Қонун лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	Қонун лойиҳаси	2022 йил апрель	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев)
12.	<p>Ўзбекистон Республикасида дори воситалари клиник тадқиқотларининг соғлом кўнгиллиларда ўтказилишининг қонуний асосларини яратиш.</p>	<p>1. Дори воситалари клиник тадқиқотларининг соғлом кўнгиллиларда ҳам ўтказилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Қонун лойиҳасини белгиланган тартибда тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	Қонун лойиҳаси	2022 йил апрель	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев)

13.	Фармацевтика техник университетининг белгиланган муддатларда фаолиятини бошлашнинг таъминлаш.	<p>1. Фармацевтика техник университети фаолиятининг бошланиш муддати, молиялаштириш манбалари ва харажатлари, таълим йўналишлари ҳамда вақтинчалик жойлашув масаласини назарда тутадиган Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Қарор лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	Ҳукумат қарори лойиҳаси	2022 йил февраль	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев)
14.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида "Фармакопея маркази"ни ташкил этиш.	<p>1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг "Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази" ДУК таркибидаги Фармакопея қўмитасини Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг "Фармакопея маркази" Давлат унитар корхонаси шаклида қайта ташкил этиш.</p>	Ҳукумат қарори лойиҳаси	2022 йил март	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 21 январдаги ПФ–55-сон Фармониға
6-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатға олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатининг 2¹-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

2 ¹ .	Қалбакилаштирилган, мувофиқлик сертификати мавжуд бўлмаган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган маҳсулотлар, рецепт билан бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмларни рецептсиз сотилишининг олдини олиш мақсадида, фақатгина шундай маҳсулотларни чакана реализация қилиш бўйича ишончли ахборотлар мавжуд бўлганда, дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни назорат қилиш.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларға қарши курашиш департаменти, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополияға қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари	1 кун
------------------	---	--	-------

”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “2019 – 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5707-сон Фармони 4-бандининг биринчи хатбошисида “2022 йил 1 январига қадар” сўзлари “мавжуд фармацевтика ташкилотлари 2024 йилнинг 1 январига қадар” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тўздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5229-сон Фармони 4-бандининг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимға тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлади”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–2647-сон қарорида:

- а) 1-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
- б) 2-5, 8 ва 9-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- в) 6-банднинг учинчи ва саккизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги “Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3137-сон қарорида:

- а) 1-банднинг тўртинчи хатбошисидан “давлат” сўзи чиқариб ташлансин;
- б) 9-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича лицензияловчи органлар қонун ҳужжатлари бузилиши, шу жумладан дори воситалари ва тиббий буюмларининг нархини шакллантириш тартиби қўпол бузилганлиги оқибатида лицензияси тугатилган дорихоналарнинг ягона манзиллар реестри ва ходимлар (провизорлар, фармацевтлар)нинг реестридаги маълумотларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг расмий веб-сайтига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълумотлар порталига доимий равишда киритиб борсин”.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4574-сон қарорида:

а) 1-бандда “Қибрай туманида” сўзлари “Зангиота туманида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банднинг биринчи хатбошиси “жамғармаси” сўзидан кейин “ва “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 9-бандда:

иккинчи хатбошида “Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошида “Қибрай туманида” сўзлари “Зангиота туманида” ҳамда “43,75 гектар” сўзлари “130 гектар” сўзлари билан алмаштирилсин.

